

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН
ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ ХУЗУРИДАГИ
ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ**

РАИС ҚАРОРИ

31.01.2026 й.

№ 37

Тошкент ш.

Илмий даража берувчи илмий кенгаш тузиш тўғрисида

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестациясига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан «Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низом»га асососан Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг (9.01.2026 й, № 05/17-4/4-54926) мурожаати ва ОАК ахборот-коммуникация технологиялари, бошқарув, алоқа ва энергетика фанлари бўйича эксперт кенгаши тавсиясига (23.01.2026 й., № 1) мувофиқ ОАК Раёсатининг 2026 йил 31 январдаги 381/2-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида

1. Тошкент Кимё халқаро университети ҳузурида техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи илмий кенгаш тузилсин ва илмий кенгаш рақами PhD.03/2026.31.01.Т.29.03 деб белгилансин.

2. Тошкент Кимё халқаро университети ҳузуридаги PhD.03/2026.31.01.Т.29.03 рақамли илмий кенгашга қуйидаги ихтисосликлар бўйича диссертациялар ҳимоясини ўтказишга рухсат берилсин:

05.01.04-«Ҳисоблаш машиналари, мажмуалари ва компьютер тармоқларининг математик ва дастурий таъминоти»;

05.01.07-«Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи»;

05.01.11-«Рақамли технологиялар ва сунъий интеллект».

3. Тошкент Кимё халқаро университети ҳузуридаги PhD.03/2026.31.01.Т.29.03 рақамли илмий кенгашнинг 15 кишидан иборат таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. PhD.03/2026.31.01.Т.29.03 рақамли илмий кенгаш ва муассаса мазкур илмий кенгаш таркибини бундан буён янгилаб боришда аъзоларининг Хирш (h-индекси) индекси, Q1 ва Q2 даражасидаги журналларда мақолалари чоп этилиши, гендер тенглиги ва хорижий олимларни жалб этиш масалаларини эътиборга олсин ҳамда ИК таркиби янгиланишига кўра ҳар бир ўзгаришни 2 иш кун ичида «Илмий даражалар комплекс-таҳлилий ахборот тизими»нинг «илмий кенгаш таркиби» бўлимига киритилишини таъминласин.

5. Тошкент Кимё халқаро университети ҳузуридаги PhD.03/2026.31.01.Т.29.03 рақамли илмий кенгаш ўз фаолиятини олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестациясига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан «Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низом» талабларига мувофиқ ташкил қилсин.

Асос: «Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низом»; Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг мурожаати (9.01.2026 й, № 05/17-4/4-54926); ОАК ахборот-коммуникация технологиялари, бошқарув, алоқа ва энергетика фанлари бўйича эксперт кенгаши тавсияси (23.01.2026 й., № 1); ОАК Раёсати қарори (31.01.2026 й., № 381/2).

Раис

А.Т.Юсупов

ASLIGATO'G'RI